

ОИВ СТАТУСЛИ ШАХСЛАРНИНГ САЁХАТГА ЧИҚИШ ИМКОНИЯТ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ (Хориж мамлакатлари таҳлили асосида)

Музаффаржон Мансуров

*А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот
институтини етакчи илмий ходими*

Аннотация: Бугунги кунда инсон ҳуқуқларини ҳар қандай кўринишда паймол қилиш таъқиқланади. Жумладан, ОИВ билан яшовчилар ҳам бошқа соғлом фуқаролар сингари саёхат қилиш, дам олиш, дискриминация ва камситилишлардан ҳоли бўлиши лозимлиги мақолада кўрсатиб берилган.

Abstract: Today it is forbidden to violate human rights in any form. In particular, the article shows that people living with HIV, like other healthy citizens, should be free from travel, recreation, discrimination and discrimination.

Аннотация: Сегодня запрещено нарушать права человека в любой форме. В частности, в статье показано, что люди, живущие с ВИЧ, как и другие здоровые граждане, должны быть свободны от поездок, отдыха, дискриминации и дискриминации.

Калит сўзлар: ОИВ, туризм, дискриминация, камситиш, антиретровирус.

Key words: HIV, tourism, discrimination, discrimination, antiretroviral.

Ключевые слова: ВИЧ, туризм, дискриминация, дискриминация, антиретровирусные препараты.

Туризм нафақат иқтисодиёт тармоғининг бир бўлаги ҳисобланади, шунингдек, бу фуқароларнинг ажралмас ҳуқуқи ҳамдир. Бугунги кунда айрим касаллик турлари мавжудки, бундай беморларнинг хориж мамлакатларига дам олиш, ишлаш ва ўқиш мақсадида чиқиши учун таъқиқлар мавжуд эканлигини кўриш мумкин.

Жумладан, ОИВ шундай касаллик турларидан бири бўлиб, ушбу касалликка қарши профилактик тадбирлар ва тарғибот ишлари олиб борилаётган бўлса-да, йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. ОИВ нинг юқиш омили кўпроқ жинсий муносабат орқали юқишини инobatга олган ҳолда хориж мамлакатларда чекловлар ҳам турлича эканлигини кўриш мумкин.

Совет Иттифоқида (Россия Федерацияси) биринчи расмий ҳужжатлаштирилган ОИВ касаллиги 1987 йил март ойида ташхис Владимир Красичковда аниқланган бўлиб, аввалроқ Конго Халқ Республикасига ташриф буюрган ҳарбий таржимон бўлган. Шу билан бир қаторда касалликнинг тезкор тарқалишининг асосий сабабларидан бири Совет Иттифоқи Жиноят кодексигаги 121-модда (бесоқолбозлик)га жавобгарликнинг кучайтирилганлиги вирусни

мамлакат худудида яширин ва касаллик омилини аниқлаш имконини бермайдиган даражада тарқалишига сабаб бўлди. Хатто расмий статистика бўйича Россия Федерациясида ОИВ га чалинган беморларнинг сони 1 ярим млн. сифатида кўрсатилса-да, асл рақам бундан бир неча бор катта эканлигини хатто мутахасисларнинг ўзлари ҳам тан олмоқда Россия Федерациясида ОИВ билан касалланган хориж фуқароси мамлакат қонунчилиги бўйича депортация қилиниши ёки мамлакатни тарк этгач таъқиқ қўйилиши мумкин. ОИВ асосан жинсий йўл билан юқиши, ҳаво, озиқ-овқат ва сувдан фойдаланиш касалликни тарқалишига асос бўлмаслигини ҳисобга олган ҳолда Россия Федерациясининг ушбу қарорини қайта кўриб чиқиш бўйича Европа суди тавсиялар берди[1.].

Биргина Сингапурда ОИВ билан касалланган шахсларни саёҳат қилишларига уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга розилик билдирди. Шу билан Сингапурга ОИВ билан касалланганларга мамлакатга киришга қўйилган таъқиқ олиб ташланди. Сингапурда илк бор касалликка чалинган шахс 1980 йилда Сингапурга ташриф буюрган сайёҳда аниқланган. Сингапурда ОИВ билан яшовчи хориж фуқароларига ишлаш гувоҳномалари берилмайди[2.].

Тайванда эса ОИВ билан касалланган хориж фуқароларини мамлакатга саёҳат қилиши ва ишлаши учун барча чекловларни олиб ташлаш устида ишламоқда. ОИВ га тест учун қон олишга хорижлик шахсларнинг қонуний вакиллариининг розилиги олиниши шарт эмас. Бу қонун билан мустаҳкамланган.

Бугунги кунда ОИВ билан касалланган фуқароларни эркин саёҳат қилишига 64 та давлат таъқиқ қўйган. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Олий комиссарлиги ОИВ билан касалланган шахсларнинг ҳаракат эркинлиги, махфийлик ҳуқуқи, дискриминациядан озодлик сингари ҳуқуқлар барча давлатлар томонидан тан олиниши ҳамда БМТга аъзо мамлакатлар томонидан ижро этилиши шартлиги кўрсатиб ўтилган. Хатто ОИВ билан касалланган фуқаролар хориж мамлакатларга саёҳат қилган вақтда ҳам ушбу ҳуқуқлардан тўлақонли фойдаланади.

АҚШда “ОИВ билан касалланганларни камситмаслик тўғрисида” қонун қабул қилинган. Унга кўра куйидаги ҳуқуқларга АҚШ содиқлигини номоён қилди. Жумладан, барча учун таъқиқни бекор қилиш, зарурат туғилганда тиббий хизматдан фойдаланиш белгилаб қўйилди. Бироқ, ОИВ аниқланган хорижлик сайёҳлар ҳеч қандай қўшимча имтиёзларга эга бўлмайди[3.].

ОИВ билан касалланган сайёҳлар Австралияга саёҳатни режалаштирган бўлса, ҳеч қандай чекловлар йўқ. Бироқ, жиддий даволаниш харажатларини талаб қиладиган ҳар қандай сурункали соғлиқ касалликлари учун иммиграция стандартларига мувофиқ баҳоланади ва кўриб чиқилади. Озарбайжон, Бахрайн, Бангладеш, Бутан, Бруней, ОИВ+ натижадаги фуқароларга виза берилмайди. Хитойда эса қисқа муддатли ташриф буюрган сайёҳлар ҳеч қандай чекловларга

дуч келмайди. Аммо олти ойдан ортиқ давом этадиган иш ва ўқиш визалари учун ОИВ тести керак.

Қисқа муддатли саёҳат учун ОИВ + статусдаги сайёҳлар учун рухсат берган. Ишлаш, ўқиш, яшаш учун ОИВ натижаси серсификати талаб қилинадиган давлатларга Куба, Кипр, Доминикан Республикаси, Эквадор, Миср, Экваториал Гвения, Гондурас, Эрон, Ироқ, Исроил, Иордания каби давлатлар киради. Бу давлатларда 10 кундан ортиқ муддат қолиш депортацияга сабаб бўлиши мумкин.

90 кун муддатдан ортиқ мамлакатда қолиш учун ОИВ серсификати ёки ОИВ мақоми кўрсатилиши шарт бўлган давлатларга Қозоғистон, Қувайт, Қирғизистон, Ливан, Малайзия, Маршалл ороллари, Шимолий Корея, Уммон, Қатар, Соломон ороллари, Суринам, Сурия, Тунис, БАА, ва Яман давлатларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу давлатларда белгиланган муддатдан кўп қолиш қон анализини олинишига олиб келади. ОИВ аниқланса мамлакатдан депортация қилинишига сабаб бўлади[4.].

ОИВ га чалинган сайёҳлар хориж мамлакатларга саёҳат қилган вақтда айрим хавфсизлик чораларига амал қилиш лозим. Жумладан, баъзи ривожланаётган мамлакатлардаги озиқ-овқат ва сувда сизни касал қиладиган микроблар бўлиши мумкин. Фақат иссиқ овқатларни истеъмол қилиш, шишадаги сув ёки ичимликларни ичиш, тозаланмаган хом мева ёки сабзавотларни истеъмол қилмаслик, хом ёки пишмаган денгиз маҳсулотлари, гўшт ва сут маҳсулотларини истеъмол қилиш мумкин эмас. Антиретровирус препаратларини ўз мамлакати соат вақти билан жадвал бўйича ичиш лозим. Хайвонлар чиқиндиларидан эҳтиёт бўлиш лозим. Чунки бу ОИВ билан касалланган шахслар учун хавfli бўлиши мумкин. Хайвонлар билан муносабатга киришгач, албатта қўлни ювиш лозим. Чунки хайвонларда сил касаллигини келтириб чиқарувчи бактериялар бўлиши мумкин[5.].

2016-йилги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ОИТСга барҳам бериш тўғрисидаги сиёсий декларациясида ОИВ билан боғлиқ саёҳат чекловларининг барча шакллари олиб ташлаш белгилаб қўйилган. 2015-йилдан буён тўртта давлат – Беларус, Литва, Корея Республикаси ва Ўзбекистон ОИВ билан боғлиқ саёҳат чекловларини бекор қилиш чораларини кўрди[6.].

ОИВ билан касалланган сайёҳлар саёҳат режаларини камида 8 ҳафта аввал режалаштириши ҳамда доктор билан маслаҳатлашиши лозим. Тур маршрут давомида тасодифий шикастланиш, зўравонлик қурбони бўлиш ҳам касалликни юктириш омилига айланиш мумкин. Имкон доирасида куёшдан сақланиш лозим. Бу иммунитетни пасайтириши ҳамда турли ўсмалар ривожланишига олиб келади. Агар сайёҳда СД4 миқдори паст бўлса, баъзи вакциналар берилмаслиги мумкин, масалан, сарик иситмага қарши эмлаш мумкин эмас. Саёҳатга чиқишдан аввал, мутахассиснинг барча дори-дармонлар, жумладан дозалар

рўйхатини кўрсатадиган хатни борадиган мамлакат тилига таржима қилинган ва тасдиқланган ҳолда олиб юришни унутмаслик лозим. Бу божхонадан дориларни белгиланган дозада олиб ўтишда муаммоларни олдини олади[7.].

Кариб денгизи хавзаси мамлакатлари сўнги вақтда туризм энг тараққий қилган ҳудуд бўлса-да, бу давлатлар ОИВ инфекцияси кенг тарқалган носоғлом ва тартибсиз жинсий муносабат ҳам кенг тарқалган “хавфли ҳудуд”дир. Ушбу давлатларга ташриф буюрувчилар ОИВ юқтириш ёки ОИВ билан касалланган сайёҳларнинг касалликнинг бошқа штамплари билан мутацияга учраши кузатилади. Жумладан, Доминикан республикаси туризм орқали ноқонуний гид сифатида, такси фаолияти ҳамда жинсий хизмат кўрсатиш йўллари орқали маҳаллий аҳоли даромад топади. Барбадос, Куба, Ямайка давлатлари ҳам юқори хавф даражадаги давлатлар ҳисобланиб, ушбу давлатларга саёҳатни режалаштиришда барча эҳтиёт чораларини кўриш тавсия этилади[8.].

Саудия Арабистони дам олиш маскани бўлмаганлиги туфайли дам олиш ва ишлаш учун ОИВ статусдаги шахсларни мамлакат ҳудудига киришига таъқиқ қўйган. Бироқ хаж ва умра зиёрати учун чеклов қўймаган[9.]. Хаж ва умра зиёратига борувчилар антиретровирус терапияси (АРТ) билан боғлиқ қийинчиликларга дуч келишлари мумкин. Жумладан, Нигерияда 2008 йилда ОИВ га чалинган зиёратчилар билан ўтказилган тадқиқотлар буни тасдиқлади. Нигерияда фақатгина клиник ҳолати барқарор бўлган ОИВ га чалинган шахсларни хаж ва умра зиёратига рухсат бериши мумкин. Саудия Арабистони божхонаси АРТ дорилари билан чегарадан ўтишда муаммолар мавжуд. Бу эса зиёратчилар саломатлигига салбий таъсир кўрсатади[10.]. Саудия Арабистони хаж ва умра зиёрати визаси олиш мақсадида бир қанча талабларни қўйган. 2005 йилдаги Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотининг иситма ва сариқ касалликлари кенг тарқалган мамлакатларидан келувчи фуқароларнинг ушбу касалликка қарши эмланганлик серсификати талаб қилинади. Менингит касаллигига қарши кўпи билан уч йил камида 10 кун аввал эмланганлиги, Афғонистон, Чад, Нигерия ва Покистондан келган барча саёҳатчилар ёши ва эмлаш ҳолатидан қатъи назар, 1 дозада оғиз полиомиелитга қарши эмланган бўлиши керак. Шунингдек, 5 ёшгача болалар, қариялар ва хомиладор аёллардан ташқари барча мавсумий гриппга қарши эмланган бўлиши лозим. Саудия Арабистони Соғлиқни сақлаш вазирлиги қўлларни дизенфекция воситалари билан артишни, кўлни кўз, бурун, оғизга олиб бормасликни, йўтал, аксириш, балғам чиқариш, қусиш ва диарея каби аломатлари бўлган одамлар шахсий гигиена қоидаларига амал қилган ҳолда муносабатда бўлишни тавсия этади[11.].

Хулоса ўрнида шунни айтиб ўтиш лозимки, ОИВ га чалинган, бироқ антиретровирус терапиясини ўз вақтида қабул қилаётган шахслар бошқаларга нисбатан хавсиз ҳисобланиб, улар ҳам жамиятнинг тўлақонли аъзо ҳисобланади.

Саёҳат инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Бугун ОИВ статусдаги шахсларга нисбатан жамиятда нафрат ва фобия жуда кучли. Бундай шахсларни жамиятдан ажратиш, ҳуқуқларини паймол этиш фақат жамиятга нисбатан нафрат, стресс ва депрессияни оширади холос. Эркин саёҳат қилиш, статусининг махфий қолиши ҳамда дискриминациядан ҳоли бўлиш ҳар бир фуқаронинг асосий инсоний ҳуқуқидир.

Тавсиялар:

- ОИВ га чалинган клиник белгилари оғир бўлмаган шахсларни ҳаж ва умра зиёратларига бориши ва саломатлигини назорат қилишни ҳисобга олган ҳолда алоҳида гуруҳлар ташкил этиш лозим;

- ОИВ статусли шахслар саёҳат даврида ўзи билан олиб кирган АРТ дориларини божхона постларидан муаммосиз олиб ўтиш мақсадида ўзи саёҳат давомида етарли дозада махфийликни сақлаш мақсадида декларациясиз олиб киришга руҳсат бериш;

- ОИВ ни тарқалиши ва бу вирусга қарши самарали курашиш мақсадида Совет иттифоқи давридаги Жиноят кодексининг 121-моддаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 120-моддага тўғридан-тўғри кўчирилган бўлиб, бу ОИВ га қарши самарали курашишга тўсқинлик қилмоқда. Ушбу модда соҳа мутахасисларини асослантирувчи далиллари асосида Олий Мажлисга қонунчилик ташаббуси сифатида киритиш лозим;

- ОИВ ни юқтиришнинг ҳар қандай омилидан қатъий назар [2016-йилги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ОИТСга барҳам бериш тўғрисидаги сиёсий декларацияси](#) талабларидан келиб чиққан ҳолда дискриминация ва камситилишларни олдини олишни ҳуқуқий механизми такомиллаштириш лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. https://origins.osu.edu/connecting-history/covid-hiv-aids-ussr-us-response?language_content_entity=en
2. <https://www.hivtravel.org/Default.aspx?pageId=149&elementId=10380>
3. <https://www.hivtravel.org/Default.aspx?pageId=149&elementId=10375>
4. <https://estatousa.com/hiv-travel-restrictions/>
5. <https://www.cdc.gov/hiv/basics/livingwithhiv/travel.html>
6. https://www.unaids.org/en/resources/presscentre/pressreleaseandstatementarchive/2019/june/20190627_hiv-related-travel-restrictions
7. <https://www.fitfortravel.nhs.uk/advice/general-travel-health-advice/hiv-travellers>
8. <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC2791250/>
9. <https://www.hivtravel.org/Default.aspx?PageId=143&CountryId=153>
10. <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/20536886/>
11. <https://www.saudiembassy.net/hajj-and-umrah-health-requirements>